

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

94 **Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги
низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-2*

(2012 йил 12 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарори)»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

45-46-сон, 470-модда) мувофик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51, 01/ЎзРТХБ-18/10-сонли қарори (рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 206-модда) билан тасдиқланган Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомнинг 4-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**харидор** — ишларни бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотиш учун шиферни харид қилувчи юридик ва жисмоний шахслар».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «ЎЗРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2012 йил 8 февраль,
4-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 8 февраль,
13-сон

**Давлат мулки
қўмитаси раиси в. б.**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 8 февраль,
01/19-18/04-сон

Келишилган:

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2012 йил 5 февраль

8-9 (508-509)-сон

— 65 —

94-95-моддалар

*Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси в. б.*

У. ТУРДИЕВ

2012 йил 5 февраль

*«Ўзқурилишматериаллари»
АК раиси*

Э. АКРАМОВ

2012 йил 5 февраль

*«ЎзРМХБ» ОАЖ
Бошқарув раиси в. б.*

А. НАГАЕВ

2012 йил 5 февраль